



### **Хотин-кизлар ўртасида ўтказилган Куръони мусобакасида вилоят хокими ўринбосари, хотин-кизлар кўмитаси раиси нутк сўзлади**

Жорий йилнинг 7 февраль куни Кашкадарё вилояти, Карши шаҳар “Кум кишлоқ” жоме масжидида хотин-кизлар ўртасида «Ўзбекистон Куръон мусобакаси – 2018»нинг 1, 2 ва 3-худудий босқичлари кўтаринки руҳда бўлиб ўтди. Мазкур Куръон мусобакасида Кашкадарё вилояти хокими ўринбосари, хотин-кизлар кўмитаси раиси Рисолат Эшқобилова нутқ сўзлади.

Вилоят хокими ўринбосари, хотин-кизлар кўмитаси раиси Рисолат Эшқобилова ўз сўзида мухтарам Юртбошимизнинг 2017 йил 1 сентябрь куни “Хазрати Имом” мажмуасига қилган ташрифларида Куръон ўқиш бўйича мусобака ташкил этиш ташаббуси илгари сурилганлигини, шунга биноан Республикамиз бўйлаб Куръон мусобакаси бўлиб ўтаётганлигини, шу жумладан, вилоятимизда Куръон мусобакаси бўлиб ўтаётганлигини, вилоятимиз ахли бу мусобакани катта кизиқиш ва кўтаринки руҳда қарши олганлигини, мусобака хотин-кизлар ўртасида бўлаётганлигини, бу жуда қуванарли ҳол эканини алоҳида эътироф этиб, мусобакасида қатнашаётган қориялар ҳамда мусобака иштирокчиларини самимий муборакбод этди. Р.Эшқобилова сўзини давом эттириб, Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг “Куръонни эшитиш, эшита олиш юксак маънавият,

маърифат. Куръон ҳеч қачон ёмонликка даъват қилмайди. Агар, Куръони қаримни эшита олсак, эшиттира олсак бу муваффақият бўлади. Элимизга нур келади” деб айтган пурмаъно сўзларини айтиб, мазкур Куръон мусобакасида қатнашаётган қорияларга Аллоҳдан омадлар тилаб сўзини яқунлади.

Манба: ЎМИ Қашқадарё вилоят вакиллиги Матбуот хизмати

“ЎЗБЕКИСТОН КУРЪОН МУСОБАКАСИ-2018” ҳақидаги энг қайноқ хабарлар ва маълумотлардан каналимиз орқали хабардор бўлинг!